



НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҒИДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга 3 август куни “Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамиятининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти ва йил якунига қадар устувор вазифалари юзасидан ҳисобот берилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида жамият томонидан 11,5 миллиард куб метр табиий газ қазиб чиқарилди. Айни пайтда нефть, дизель ёнилғиси, авиакеросин ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажми прогноз кўрсаткичларидан юқори бўлди.

Йил якунига қадар 1 миллион 100 минг тонна автобензин, 983 минг тонна дизель ёнилғиси, 310 минг тонна авиакеросин, 606 минг тонна суюлтирилган газ ва қарийб 1 миллион 180 минг тонна синтетик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Дунёдаги геосиёсий вазият кескинлашishi натижасида Марказий Осиё йўналишида авиақатновлар сони ортиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистонга амалга оширилаётган рейслар сони 2025 йилга нисбатан кўпайган. Жорий йил июль-декабрь ойларида авиакеросинга бўлган талаб 375 минг тоннани ташкил этиши, яъни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 27 фоизга ўсиши кутилмоқда. Унинг асосий қисми маҳаллий нефтни қайта ишлаш заводлари ҳисобидан қопланади.

Шу билан бирга, айрим ҳамкор мамлакатларда нефть маҳсулотлари экспортига чекловлар жорий этилгани сабабли муқобил манбалардан, жумладан, Грузия, Ироқ ва бошқа давлатлардан авиакеросин импорт қилиш йўлга қўйилди.

Геология-қидирув ишларининг сифати ва ҳажмини ошириш мақсадида “Ўзбек-геофизика” акциядорлик жамиятини модернизация қилиш режалари ҳақида ҳам ахборот берилди. Кон-геофизика ускуналарини янгилаш ва замонавий дала 3D сейсмик мажмуасини харид қилиш учун 38,8 миллион доллар йўналтириш кўзда тутилган.

Шунингдек, хорижий компаниялар, хусусан, АҚШнинг “Schlumberger” компанияси билан ҳамкорликда сейсмик маълумотларни қайта ишлаш марказини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилаётгани маълум қилинди. Марказда замонавий суперкомпьютер мажмуаси ўрнатилади, янги дастурий таъминотлар харид қилиниб, сейсмик тадқиқотларда сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш йўлга қўйилади.

Мазкур тадбирлар ҳисобига йиллик 3D сейсмик тадқиқотлар майдони 1 минг 800 квадрат километрдан 5 минг квадрат километрга, ўрганиш чуқурлиги эса 4,5 минг метрдан 8 минг метрга етказилади. Тайёрланадиган истиқболли геологик тузилмалар сони 19 тадан 30 тага ошади.

Кудуқлар қурилишида юқори ҳарорат ва босимга чидамли материаллар, ультратовушли каротаж, реал вақт режимида геофизик назорат ҳамда горизонтал бурғилаш технологияларини жорий этиш чоралари белгиланган. Бу мураккаб геологик шароитларда қудуқлар ишончилигини ошириш, маҳсулдор қатламлардан самарали фойдаланиш ва юқори дебитта эришиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини нефть маҳсулотлари билан барқарор ва узлуксиз таъминлаш чораларини кўриш бўйича топшириқлар берди.

Шунингдек, тармоқ корхоналарини технологик янгилаш, энергия самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва белгиланган чора-тадбирлар ижросини қатъий назорат қилиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

ЭХТИЁЖМАНД ФУҚАРОЛАРНИ МАНЗИЛЛИ ҚўЛЛАБ-қувватлашда ЯНГИ ХИЗМАТЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни таълим ва ижтимоий хизматлар билан қамраб олиш, муайян яшаш жойига эга бўлмаган ҳамда одам савдосидан жабрланган шахсларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, имтиёзли транспорт хизматларини рақамлаштиришга қаратилган таклифлар тақдими билан танишди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, эҳтиёжманд фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш ва соҳага нодавлат секторни жалб этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги уч йилда ижтимоий хизматлар сони 23 тадан 140 тага етди. Ҳар йили ўртача 4,6 миллионга, жумладан, маҳалла даражасида қарийб 2 миллионга ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган 168 мингдан ортиқ бола бор. Уларнинг 133,8 минг нафари таълим ва ижтимоий хизматлар билан қамраб олинган. Яна 34,6 минг нафар болани таълимга жалб этиш зарур.

Бунинг учун ижтимоий ходимлар иштирокида “оилабай” ишлаш тизими йўлга қўйилади. Ҳар бир боланинг эҳтиёжлари эрта босқичда ва комплекс баҳоланиб, унга мос таълим муҳити ҳамда зарур хизматлар белгиланади. Янги баҳолаш механизми 2026 йил 1 октябрдан Хоразм ва Навоий вилоятларида тажриба тариқасида жорий этилади.

2026/2027 ўқув йилидан махсус мактабларда таълим боланинг эҳтиёжлари, функционал имкониятлари ва ўзлаштириш даражасидан келиб чиқиб тузиладиган индивидуал режалар асосида ташкил этилади. Қўзи оғиз педагогларга, шунингдек, махсус мактабларнинг бошланғич синфларига шахсий ассистент ва ёрдамчи ходимлар ажратилади.

Ногиронлиги бўлган болаларнинг уйига яқин жойда таълим олишига шароит яратиш мақсадида коррекцион синфлар

ташкил этган нодавлат мактабларга ҳар бир ўқувчи учун субсидия ажратилади. Ҳар йили камида 50 та мактабнинг инклюзив муҳитни яхшилашга қаратилган ташаббуслари грант асосида молиялаштирилади.

2027 йилдан болаларни матнни ўқиш қурилмалари, овоз синтезаторлари, Брайл дисплейлари ва бошқа ассистив жиҳозлар билан ваучер асосида таъминлаш таклиф этилди. 2027/2028 ўқув йилидан эса ногиронлиги бўлган шахсларга кириш ва сертификат имтиҳонларида қўшимча вақт, Брайл алифбоси, сурдо-таржимон, ассистент ва бошқа зарур шароитлар яратилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам янги ёндашувлар ишлаб чиқилган. Ҳозир республикада жами 726 ўринга мўлжалланган 11 та реабилитация маркази фаолият кўрсатмоқда. 2026 йилнинг биринчи ярмида уларга 1,1 минг нафар шахс жойлаштирилган.

Амалдаги реабилитация муассасалари вақтинчалик бошпана ва ижтимоий тикланиш марказларига айлантирилади. Бошпанасиз шахслар ушбу марказларга ўз мурожаати асосида, “маҳалла еттилиги”нинг ўрганиш натижаларига кўра ёки ижтимоий ходим ва профилактика инспектори кўмагида жойлаштирилади. Уларнинг ҳар бири учун индивидуал режа ишлаб чиқилиб, ҳужжатларини тиклаш, тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, касбга ўқитиш ҳамда ишга жойлаштириш чоралари белгиланади.

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ҳамда болаларни реабилитация қилиш республика маркази ва ҳудудий марказлари этиб қайта номланади. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги ҳудудий марказларда одам савдосидан жабрланган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини қабул қилиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилиб, қўшимча 40 та ўрин яратилади.

Шу билан бирга, бола савдоси учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгилаш, одам савдоси билан боғлиқ жиноят содир

этган шахсларнинг меҳнат ва ташқи миграция хизматлари билан шуғулланиш ҳуқуқини чеклаш, кўрсатилаётган хизматларни мунтазам мониторинг қилиш таклиф этилди.

Имтиёзли транспорт хизматларидан фойдаланиш тартибини соддалаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бугунги кунда 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек, Чернобыль АЭСдаги ҳалокат оқибатларини баргараф этишда қатнашган 48,4 мингдан зиёд фуқаро бундай имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. 2025 йилда улар транспорт хизматларидан 1,7 миллион марта фойдаланган.

Янги тартибга кўра, 11 тоифадаги фуқароларга ҳаво, темир йўл ва шаҳарлараро транспортда бепул юриш ёки 50 фоизлик чегирма берилади. Қоғоз талонлар бекор қилиниб, чипта харид қилиш учун ID-карта ёки биометрик паспортни тақдим этиш кифоя қилади. Имтиёз ҳуқуқи “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими орқали тегиштирилади.

2027 йил 1 январдан имтиёзли авиа, темир йўл ва шаҳарлараро автобус чипталарини “Baraka” ижтимоий карта мобил иловаси орқали онлайн харид қилиш имконияти яратилади.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган таклифларни маъқуллаб, янги хизматларни жойларда сифатли йўлга қўйиш ва белгиланган чора-тадбирлар ижросини қатъий назорат қилиш бўйича топшириқлар берди.

ЎЗА

ЭРИШГАН НАТИЖАЛАРИМИЗ ЯНГИ МАРРАЛАРНИ ЗАБТ ЭТИШ ИМКОНИЯТИДИР

Июль сарҳисоби

Июль ойида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кузатилган воқеликлар ҳақидаги сўзимизни Президентимиз раислигида ҳудуд ва тармоқларда жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар ҳамда йил якунига қадар амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишидан бошламоқчимиз.

Инсоннинг кундалик турмуши ҳам, жамият ҳаёти ҳам сарҳисоблар билан мукамаллик касб этади. Утаётган ҳар фурсатнинг пасту баландини таҳлил қилиш орқали вазиятга баҳо берилади. Яъни ютуқлар қўлами, йўл қўйилган хатолар, мавжуд камчиликлар таҳлили, қилинажак



ишларнинг ҳамаси ана шу жараёнда кундек равшанлашади. Демак, айнан шу ракурсдан туриб фикр юритишимиз мақсадга мувофиқ. Зеро, эришилган натижалар келгусидаги вазифалар янада мураккаб ва масъулиятли бўлишини, улар янги мар-

раларни забт этишга яратилган имконият эканини кўрсатмоқда.

21 июль куни бўлиб ўтган йиғилишда иқтисодий ўсишнинг дастлабки босқичида асосий эътибор бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган бўлса,

энди устувор вазифа ушбу ўсиш сифатини ошириш, барқарорлигини таъминлаш ва ҳар бир фуқаро ҳаётида амалий натижага айлантиришдан иборат экани ургулгангани ҳам фикримизга далилдир.

➤ Давоми 3-бетда

ТАФАККУР ВА ТАРАҚҚИЁТ МАНЗИЛИ



Муносабат

Ҳар бир даврнинг ўз рамзи, садоси ва тарихи бўлади. Баъзан у асрлар бағрида сақланиб қолган улуғвор обиди, баъзан авлодлар тақдирини бирлаштирган қадимий шаҳар, баъзан эса ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган бўлсада, миллионлаб инсонларнинг орзу ва интилишларини ўзида муҳассам этган янги маскан бўлади. Янги Тошкент ана шундай эзгу мақсадлардан дунёга келаётган бетакрор манзилдир.



Зеро, бу шаҳар юксак ишонч, улкан жасорат ва келажаққа қаратилган эзгу орзу-ниятлар асосида қад ростламоқда. Бу ерда қўйилаётган ҳар бир пойдевор тараққиётнинг мустаҳкам қадами, барпо этилаётган ҳар бир иншоот эртанги кунга йўланган умидлар тимсоли, амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа эса авлодлар фаровонлиги ва юрт равнақиға хизмат қиладиган эзгу мақсадларнинг ёрқин ифодасидир.

Янги Тошкентнинг энг буюк хусусияти унинг маҳабатли биноларидида эмас, балки инсонни ҳаётнинг бош мезони сифатида эъзозлайдиган ғоясидадир. Чунки ҳақиқий замонавий шаҳарнинг қиймати, энг аввало, унда яшаётган инсонга яратилган шароит, қўлайлиқ ва фаровонлик билан ўлчанади. Бу шаҳар қиёфасида ҳам хавфсиз ва осуда ҳаёт, табиат ва тараққиёт уйғунлиги, илм-фан ва маданият юксалиши муҳассам.

➤ Давоми 2-бетда



Нуқтаи назар

МАМЛАКАТИМИЗ ТАШАББУСИ ВА ТАЖРИБАСИ

жаҳон парламент

ДИПЛОМАТИЯСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛМОҚДА

2026 йил 24 июль куни БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюцияни бир овоздан қабул қилди.



Мазкур ҳужжатга барча минтақадан БМТга аъзо 61 давлат ҳаммуаллифлик қилди. Бу шунчаки расмий қўллаб-қувватлов эмас, балки халқаро сиёсат ва дипломатия нуқтаи назаридан бир неча муҳим омилдан далолат берувчи фактдир. Хусусан, бу ҳолат янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий нуфузи дунё ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланаётгани, мамлакатимиз глобал кун тартибидини белгилашда фақат кузатуви эмас, балки халқаро трендларни шакллантирувчи фаол иштирокчига айланишини кўрсатади.

Таклиф этилган ғоя фақат бир минтақа учун хос бўлганида эди, бунчалик кўп хайрихоҳ тўплай олмасди. Дунёнинг барча қитъаси (Европа, Осиё, Америка, Африка) дан давлатларнинг ҳаммуаллиф бўлиши ижтимоий ривожланиш ва унда парламент

назоратини кучайтириш бутун инсоният учун бирдек муҳим ва тизимли масала эканини исботлайди.

Халқаро ҳужжатга ҳаммуаллиф бўлиш ўша давлатнинг мазкур резолюция матни ва ундаги мажбуриятларини тўлиқ бўлишини аңглатади. Демак, 61 давлат Ўзбекистон дипломатияси юритган кўп томонлама музокаралар натижасига ва ишлаб чиқилган ҳужжат самарасига қатъий ишонч билдирган. Резолюция замирида ётган “**ҳеч кимни ортда қолдирмаслик**” принципи, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш каби мақсадлар мамлакатларни умумий мақсад йўлида бирлаштира оладиган энг қўлай ва самарали платформа эканини яна бир бор намоеън этди.

➤ Давоми 2-бетда

МАМЛАКАТИМИЗ ТАШАББУСИ ВА ТАЖРИБАСИ

жаҳон парламент дипломатиясини ислоҳ қилмоқда



Нуқтаи назар



Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Резолюцияда 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда миллий қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, камбағалликни қисқартириш, муносиб бандликни таъминлаш, сифатли таълим олиш имкониятини кенгайтириш ва ижтимоий интеграцияни қўллаб-қувватлаш орқали парламентларнинг асосий ролига ургу берилган.

Хужжатда алоҳида эътибор хотин-қизлар ва ёшларнинг парламент фаолиятидаги иштирокини оширишга қаратилган. Бунинг моҳияти ва мақсади қонунларни қабул қилишга ёндашувни ўзгартиришдан иборат. Агар қонун чиқарувчи органлар таркибиде ушбу муаммоларни энг кўп ҳис қиладиган аҳоли гуруҳлари

мавжуд бўлмаса, бу идоралар ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қила олмайди. Шу маънода, ҳужжатда тўғридан тўғри вакилликка ургу берилиб, аёллар ва ёш депутатлар сонини ошириш учун аниқ механизмлар, масалан, квоталар ёки ёшлар парламентларини жорий этишга чақириқ мавжуд.

Қолаверса, бундай вакиллик бюджетларга ҳам таъсир қилади. Моҳият шундаки, соғлиқни сақлаш, таълим ва болалар нафақасига давлат маблағини тақсимлашда нафақат эркак амалдорлар, балки аёлларнинг фикри ҳам инобатга олинади.

Парламент фаолиятига ёшларни жалб қилиш рақамлаштириш, меҳнат бозори ва стартаплар тўғрисидаги қонунларни ушбу янги иқтисодий воқеликда яшайдиган йигит-қизларнинг тайёрлашига қаратилган. Қолаверса, бу ишонч инқирозини бартараф этишга ҳам хизмат қилади. Гап шундаки, парламентлар кўпинча жамият томонидан кекса эркакларнинг ёпиқ клублари сифатида қабул қилинади. Ёшлар ва аёлларни жалб қилиш фуқароларнинг давлатга ишончини мустаҳкамлайди.

Масаланинг яна бир жиҳати — иқтисодий самардорлик. Жумладан, аёллар қонунларни қабул қилишда фаол иштирок этадиган мамлакатлар қашшоқлик даражасини тезроқ камайтириши ва ижтимоий ресурсларни самаралироқ тақсимлашни исботланган. Қолаверса, демографик муаммоларни ҳал қилиш масаласи ҳам бора: аҳолисининг кўпини ёшлар ташкил этадиган Марказий Осиё каби минтақалар учун уларнинг парламентдаги овозини эътиборсиз қолдириш ижтимоий беқарорлик хавфини келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, узоқ муддатли барқарорлик масаласи ҳам мавжуд: бугун парламентда тажриба орттирган ёш раҳбарлар эртага сиёсий авлодларнинг равои



фессионал алмашинувини таъминлайди. Резолюциядаги бу ургу сўнгги йилларда Олий Мажлисга сайловларда қатъий гендер квоталари жорий этилган ва Ёшлар парламенти комиссияси ташкил этилган Ўзбекистондаги ислохотларни бевосита акс эттиради.

Хусусан, сўнгги парламент сайловлари натижасига кўра, Ўзбекистон аёл депутатлар сони бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллаб, аёллар ва ёшлар вакилиги бўйича тарихий юқори кўрсаткичга эришди. Бу кўрсаткичлар қабул қилинган резолюцияда мустаҳкамланган БМТ стандартлари ва тавсияларига бевосита мос келади.

Сиёсий партиялар учун мажбурий гендер квотасининг қонунчилик йўли билан 40 фоизга оширилиши туфайли Олий Мажлис таркиби тубдан ўзгарди. Қонунчилик палатасида аёллар улуши 38 фоизга етди (150 ўридан 57 таси). Сенатда аёллар 27 фоиз ўринни эгаллади. Юқори палатага аёл сиёсатчи Танзила Норбоева раҳбарлик

қилмоқда. Маҳаллий кенгашларга келсак, ҳудудий даражадаги аёллар улуши 32,5 фоизга етди.

Мамлакатимизнинг мазкур ютуқлари халқаро эътирофга сазовор бўлмоқда. Жумладан, Парламентлараро иттифоқнинг “Парламентдаги аёллар” глобал рейтингда Ўзбекистон дунёда 38-ўринда, Гендер тенглик ва бошқарув индексида эса 103-ўридан 52-ўринга кўтарилди.

Гендер тенгликка эришиш стратегиясини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон вазирлик ва идоралари давлат бюджетини режалаштиришда мажбурий гендер кўрсаткичларини жорий эта бошлади. Бу — энди пул аёллар ва болалар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда тақсимланади дегани.

Ўзбекистон расмий ёшлар фаолигидан ҳақиқий қонуларни қабул қилишда ёш кадрларни тизимли жалб қилишга ўтди. Парламентлараро иттифоқ маълумотларига кўра, миллий парламент депутатларининг 42 фоизини 45 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Қуйи палата амалдаги

таркибининг деярли 40 фоизи 30 ёшдан 45 ёшгача бўлган ёш мутахассислардан иборат. Улар ахборот технологиялари, инновациялар, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳимоя кўмиталарининг асосини ташкил этади.

Ёшлар парламентининг тўғридан тўғри интеграцияси ҳақида сўз юритсак, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси ҳузурида доимий фаолият юритувчи Ёшлар парламентлари ташкил этилиши мамлакатимизнинг бу йўналишдаги ноёб тажрибаси бўлганини таъкидлаш жоиз. Ушбу палаталар аъзолари Ўзбекистоннинг ҳар бир маъмурий туманига бириктирилган. Улар бевосита жойларда ёшларнинг ижтимоий сўровларини тўплайди.

Рақамли кўприк ҳам эътибордан четда қолмади: Ўзбекистон парламенти ёш фуқароларга қонунчилик ташаббусларини бевосита тегишли депутатларга тақдим этиш имконини берувчи АТ платформа-ларини кенгайттирди. Бу БМТнинг янги резолюциясида ҳам тавсия сифатида қайд этилган.

Шунингдек, БМТнинг мазкур резолюциясида Тошкент шаҳрида Парламентлараро иттифоқнинг 150-Ассамблеяси ўтказилгани ҳамда ижтимоий ривожланиш ва ижтимоий адолат йўлида парламент ҳаракати тўғрисида Тошкент декларацияси қабул қилингани ҳам эътироф этилган. Ўтган йили Тошкент шаҳрида ўтказилган Парламентлараро иттифоқнинг 150-Ассамблеясида Президентимиз Самарқанд шаҳрида Ёш парламент аъзоларининг XII глобал конференциясини ўтказиш таклифини илгари сурган эди. Қисқа муддатда ушбу ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланиб, 151-Ассамблея доирасида конференцияни шу йил 4-6 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказиш бўйича намунавий битим имзоланди.

Самарқанд шаҳридаги “Silk Road Samarkand” мажмуасида бўлиб ўтадиган Парламентлараро иттифоқ ёш парламент аъзоларининг XII Глобал конференцияси

БМТ Бош Ассамблеясининг яқинда қабул қилинган ушбу резолюциясининг бевосита амалий давоми ва уни амалга ошириш механизми.

БМТ резолюцияси халқаро консенсусни расман қайд этди. Ёшларни қонун ижодкорлигига кенг жалб этмай туриб, ижтимоий тараққиётни таъминлаб бўлмаслиги тан олинди.

Самарқанддаги конференция бутун дунёдан ёш депутатлар ушбу резолюцияни миллий даражада амалга ошириш бўйича аниқ қадамларни ишлаб чиқиш учун тўпланадиган биринчи йирик глобал майдон бўлади. Анжуманнинг марказий мавзуси — нотинч замонда барча учун инсон ҳуқуқлари, адолат ва кадр-қимматни ҳимоя қилиш. У резолюциянинг ижтимоий устувор йўналишларига тўлиқ мос келади.

Ёш етакчилар тенгдошларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг сифатли бандлигини таъминлаш, рақамли трансформация шароитида янги авлоднинг сиёсий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва уларни қарор қабул қилиш жараёнига жалб этиш каби муҳим масалаларни муҳокама қилади.

Умуман олганда, БМТ резолюцияси мамлакатларни Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда парламент аъзоларини фаолроқ жалб қилишга ундайди. Ёшлар конференцияси билан бир вақтда Самарқандда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро ҳамкорлик бўйича III Глобал форум ўтказилиши рамзий маънога эга. Бу ҳам ёш қонун чиқарувчиларнинг тажрибасини БМТнинг 2030 йилгача бўлган стратегик мақсадлари билан бевосита боғлаш имконини беради.



Муносабат



Равшан ФОЗИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг Янги Тошкент шаҳрида бажарилаётган қурилиш ишлари билан танишгани ушбу улкан бунёдкорлик жараёнларига янада юксак масъулият ва янги суръат бағишлайди. Энг муҳими, ушбу ташир Янги Тошкентни замонавий, қулай ва инсон манфаатларига мос шаҳар сифатида шакллантириш йўлидаги ишларга янада аниқ мақсад ва мазмун бахш этди. Белгилаб берилган вазифалар эса ҳар бир иншоотда сифат, ҳар бир лойиҳада пухталиқ ва ҳар бир қарорда келажақ авлодлар манфаатларини устувор этиш тамойилларини мустаҳкамлайди.

Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекцияси бугун мамлакатимиздаги энг йирик шаҳарсозлик лойиҳаларидан бирини



ТАФАККУР ВА ТАРАҚҚИЁТ МАНЗИЛИ

ҳаётга татбиқ этаётган муҳим тузилмадир. У замонавий шаҳарсозлик тамойилларини миллий меъморлик анъаналари билан уйғунлаштирган ҳолда қурилиш ишларини мувофиқлаштириш, муҳандислик-коммуникация тармоқлари қуриш ва инфратузилмани изчил ривожлантиришда ҳал қилувчи ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбарининг ташири Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш

дирекциясидан бошланди. Бу ерда шаҳарнинг улкан макети ва рақамли харитаси гўё келажакнинг ҳозирги замондаги аксидек намоён бўлди. Президентимизга кенг кўламли қурилиш ишларининг бориши, йирик объектларнинг жойлашуви ҳамда навбатдаги бунёдкорлик режалари ҳақида ахборот берилди.

Транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини қурилишлар билан уйғун ривожлантириш, яшил ҳудудлар ва жамоат маконларини, Янги Тошкентни пойтахтнинг амалдаги ҳудуди билан узвий боғлаш бўйича белгиланган вазифалар шаҳарнинг барқарор ва мутаносиб ривожланишига хизмат қилади. Муҳими, бу ёндашув аҳоли учун янада қулай транспорт тизимини шакллантириш, экологик мувозанатни таъминлаш, муҳандислик тармоқлари самарадорлигини ошириш ва инсон манфаатларига йўналтирилган замонавий шаҳар муҳитини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Барча лойиҳалар яхлит шаҳарсозлик концепцияси асосида, юқори сифат ва меъморий уйғунлиқни таъминлаган ҳолда амалга оширилиши эса Янги Тошкентнинг бетақор қиёфасини шакллантириш, келгуси ўн йилликларда

ҳам замонавий ва яшаш учун жозибадор шаҳар бўлиб қолишини таъминлайди.

Янги Тошкент шаҳрининг илк босқичида барпо этилаётган муҳим маънавий-маърифий масканлардан бири Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети-нинг замонавий кампусидир. Ушбу улкан мажмуа янги шаҳарнинг илм ва тафаккур марказларидан бири бўлиб, келажак авлод таълими ва тарбияси учун мустаҳкам пойдевор яратишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Замонавий ечимлар, қулай таълим муҳити ва илгор инфратузилма уйғунлигида барпо этилаётган ушбу маскан Янги Тошкентнинг нафақат меъморий қиёфасини, балки илм-фан ва маърифатга йўналтирилган юксак мақсадларини ҳам ифодалайди. Янги кампус таркибиде ўқув бинолари, илмий лабораториялар, ахборот-ресурс маркази, электрон кутубхона, талабалар турар жойлари, спорт ва маданият иншоотлари бўлади. Бу ерда таълим, илмий тадқиқот ва талабалар ҳаётини бир маконда уйғунлаштирган яхлит муҳит яратилади. Натижада у нафақат билим даргоҳи, балки янги ғоялар туғиладиган, илмий изланишлар ривожланадиган ва келажак педагоглари камол топадиган маърифат марказига айланади.

Бу ерда барпо этилаётган Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биноси ҳам янги шаҳарнинг маънавий юраги бўлади. Зеро, замонавий кутубхона нафақат китоблар сақланадиган маскан, балки янги ғоялар туғиладиган, илмий изланишлар ривожланадиган, ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга хизмат қиладиган улкан маърифат даргоҳи вазифасини ўтайди. Кутубхонада яратиладиган шароитлар илм аҳли, тадқиқотчилар ва китобхонлар учун кенг имкониятлар очади.

Умумий майдони 30 минг квадрат метрдан ортқ бўлган тўрт қаватли бино бир вақтнинг ўзида 1420 китобхонга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Унинг меъморий ечимиде миллий анъана ва замонавий услуб уйғунлаштирилган.

Кутубхонада китоб фондларини сақлаш, ҳисобга олиш, хавфсизлигини таъминлаш ва зарарсизлантириш учун махсус юқори технологияли хоналар ташкил этилиши бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш, ноёб адабий ва илмий манбаларни келажак авлодларга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Натижада кутубхона замонавий билим маскани бўлиш билан

бирга халқимизнинг маънавий меросини асрайдиган бетақор хазина сифатида хизмат қилади. Халқаро ва миллий йирик кутубхоналарнинг электрон базаларидан онлайн фойдаланиш имконияти яратилади.

Кўзи оқиз фуқаролар учун махсус ўқув ва тадқиқот муҳити, 300 ўринли кафе, галерея, спорт ва дам олиш ҳудудлари барпо этилиши кутубхонани билим олиш, мулоқот қилиш, маданий ҳордиқ чиқариш ва вақтни мазмунли ўтказиш мумкин бўлган қулай масканга айлантиради. Асосийси, бу шароитлар ҳар бир инсон, жумладан, имконияти чекланган фуқаролар учун ҳам тенг имконият яратиш, кутубхонадан кенг ва самарали фойдаланишга хизмат қилади.


Ташир давомида Янги Тошкентда барпо этилаётган замонавий футбол стадионидаги ишлар кўздан кечирилиб, қурилиш белгиланган муддатда ва юқори сифат билан якунлаш, уни транспорт тизими ҳамда Янги Тошкентнинг умумий шаҳарсозлик муҳити билан уйғунлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

ФИФАнинг барча талабларига мувофиқ қурилаётган мазкур спорт мажмуасида спортчилар, мухлислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун яратилаётган шароитлар йирик халқаро мусобақаларни қабул қилиш билан бирга ёшлар спортини ривожлантириш, профессионал футболчилар тайёрлаш ва мамлакатда замонавий спорт инфратузилмасини кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. У соғлом турмуш тарзи, ёшлар истеъдодини рўёбга чиқариш ва халқаро даражадаги спорт тадбирларини ўтказишга хизмат қиладиган муҳим масканга айланади.

Ҳар қандай буюқ шаҳар, аввало, ғоядан бошланади. Париж, Дубай, Сингапур каби шаҳарлар ўз даврида катта орзу ва жасорат билан барпо этилган.

Янги Тошкент ҳам бугун ана шундай тарихий жараёнинг янги саҳифасини ёзмоқда. У келажакка қараб иттилаётган, тараққиёт ва янгиланиш руҳини ўзида акс эттираётган замонавий шаҳар сифатида шаклланамоқда. Бу ерда қад рўстлаётган ҳар бир бино, ҳар бир иншоот эса келажак авлодлар учун муносиб ҳаёт муҳитини яратишдек юксак мақсадга хизмат қилиши аниқ.

Янги Тошкент фақат янги ҳудуд эмас, балки янги тафаккур, янги имкониятлар ва янги тараққиёт йўлининг ёрқин ифодасидир. Давлатимиз раҳбарининг мазкур ташири ҳам Янги Тошкентдек улкан ва эзу лойиҳага янада юксак масъулият, янги руҳ ва аниқ мақсадлар бахш этди. Шу нуқтаи назардан, биз депутатлар ҳам берилган вазифалар ижросини таъминлаш, халқимиз манфаатларини ифода этиш ва Янги Тошкентнинг замонавий, обод ҳамда фаровон шаҳар сифатида шаклланишига муносиб ҳисса қўиши йўлида янада фаол, ташаббускор ва масъулиятли бўлишимиз лозим. Зеро, бугунги сай-ҳаракатлар эртанги авлодлар учун барпо этилаётган янги шаҳарнинг мустаҳкам пойдеворига айланади.



Президентимиз “Global International Hospital” хусусий кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолияти билан танишиб, муассаса

Қиймати қарийб 2,2 миллиард доллар бўлган олти тасмалги йўлнинг умумий узунлиги 282 километрини ташкил этади. У Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги аҳолиси 2 миллиондан зиёд бўлган 13 та туман орқали ўтиб, ҳудудлар учун янги имкониятлар яратяди. Лойиҳа доирасида 92 та кўприк, 28 та йўл ўтказиғи, 60 та туннель тилидаги ўтиш жойи, шунингдек, қишлоқ хўжалиғи эҳтиёжлари учун ер ости йўлаклари ва сув ўтказиш иншоотлари қурилади.

бигра кутубхона, музей, кўргазма ва мультимедиа заллари, спорт мажмуаси, сузиш ҳавзаси ҳамда талабалар турар joyлари joyлашди.

Янги Тошкентда барпо этилаётган замонавий футбол стадионидagi қурилиш ишлари ҳам қўздан кечирилди. 55 минг томошабинга мойлалганган ушбу аренада бунёдкорлик ишларининг 65 фоизи барқарилган. Стадион 2027 йилда 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидagi жаҳон чемпионати бахсларини қабул қилади.

Шавкат Мирзиёев 30 июль — 1 август кунлари Қирғиз Республикасида давлат ташириги билан бўлди. Чўпонтоа шаҳрида бўлиб ўтган расмий кутуб олиш маросимидан сўнгра Ўзбекистон ва Қирғиз Республикаси раҳбарлари иштирокида тур дорадаги ва расмий делегациялар аъзолари иштирокидаги музоакалар ўтказилди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарии
17 июль кун Озарбайжон Республикаси
иктисодий вазир Михаил Жаббаров,
20 июль кун Беларус Республикаси Бош
вазир ўринбосари Виктор Каранкевич,
28 июль кун Саудия Арабистони Подшоҳ-
лиги соғлиқни сақлаш вазир Фаҳад бин
Абдулрахмон ал-Жалаҳил бошчилигидаги
делегациясини қабул қилди.

Одатда давлатимиз раҳбари хузурида бўлиб ўтадиган тақдирот ва видеоселектор йиғилишлари мавзу ва йўналиш жиҳатидан турли-туман бўлади, яъни бирорта ҳам соҳа ва йўналиш эътибордан четда қолмайди.

Июль ойиданга ана шундай йиғилишларнинг дастлабкисида транспорт-логистика тизимини ривожлантириш бўйича тақлифлар қўриб

Қорақалпоғистоннинг Амударё туманидаги Қизилчоли маҳалласида яшовчи ёш тadbиркор Шерзод Ўрозбоев ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи автомобилларни ювиш шохобчаси очди. Паррандачилик йўналишида ҳам иш бошлаб, мингта жўжа парваришламоқда. Шу орқали икки тенгдошини ишли қилди.



Худудлар ҳаёти

Мана шундай тизимли ва кенг қамровли ишлар натижа-сида Фаровон маҳалласида камбағаллик даражаси 2,5 фоизга туширилди. Бу кўрсаткич шунчаки статистика эмас, балки одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб, эртанги кунга ишонч билан интилаётганининг амалдаги ифодасидир.

Амударё туманидаги Оқолтин овулида йил бошида ёшлар тўлиқ хатловдан ўтказилди. Жараёнда жами 2305 йигит-қизнинг ижтимоий ҳолати ўрганилди. 83 нафари ишсиз экани аниқланди. Улар худуддаги 4 та корхона ва ташкилот раҳбар-ларига бириктирилди. Ҳар бири учун мақса-дди "йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, ишли қилинди. Шунингдек, яна 3 ёш худуддаги бошқа раҳбар ходимларга бириктирилиб, оталиққа олинди.

Ёшлар бандлигини таъминлашда деҳқончилик учун ер ажратиш амалиёти яхши самара берапти. Жумладан, овул худудидидаги "Сарагул Йўлдошева" фермер хўжалигидан электрон аукцион платформаси орқали очик савдога чиқарилган 42 сотих ерни ишсиз ёшлардан бири Ойдиной Тур-сунбоева ютиб олган эди. Ҳозир бу ерда саб-завот ва полиз экинлари етиштириб, оиласи бюджетига қўшимча даромад келтирмоқда, — дейди маҳалла ёшлари етакчиси Сардор Қурабоев. — Ушбу амалиёт худудлардаги озик-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ерга эгалик қилаётган йи-гит-қизлар меҳнат бозоридан ўз ўрнини ахтаришга мажбур бўлмайдилар. Аксинча, ўзи янги қиймат ва маҳсулот яратувчи мулкдор-га айланади. Бу жараён ёшларда ерга меҳр уйғотиб, мустақил ҳаётга қадам қўйиш учун молиявий пойдевор яратди. Шу боис, ушбу йўналишдаги ишлар узлуксиз давом эттири-либ, 14 та фермер хўжалигининг галладан бўшаган майдонлари ҳисобидан ишсиз 80 ёшнинг ҳар бирига 10 сотихдан ер берилди.

Ёшларни бизнесга жалб этиш орқали улардаги боқимандалик кайфияти йўқо-либ, ижтимоий масъулият ҳисси ортади. Ўз меҳнати билан даромад топаётган ёш авлод вакиллари мамлакатнинг барқарор икти-содий ўсишини таъминловчи энг фаол қат-ламга айланади.

Бугун Амударё туманида ёшлар ана шун-дай фаол, ижтимоий масъулиятни ҳис этади-ган авлод бўлиб камолга етмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ҲАР БИР ЁШГА ШАРОИТ, ҲАР БИР ОИЛАГА ДАРОМАД МАҲАЛЛАДАГИ ЎЗГАРИШЛАР МАНЗАРАСИ

Умуман, маҳаллада ёшлар бандлигига жиддий эътибор берилаяпти. Хусусан, ёшлар етакчиси “қизил” тоифадаги навқирон ав-лод билан индивидуал ишлаш натижасида уларнинг 4 нафарига юмуш топилди. Яна 2 нафарига имтиёзли кредит ва 1 нафарига ер ажратилиб, ижтимоий мослашуви учун кў-маклашилди. Бундан ташқари, “Ёшлар даф-тари”даги бир талабанинг тўлов контракти тўлаб берилди. Маҳалладаги 320 дан ортиқ йигит-қиз турли спорт ва фан тўғрақларига жалб этилган. Бир нуронийга 10 нафар ёшни бириктириш тизими жиноятчиликнинг ол-дини олишда натижа бермоқда.

Маҳалланинг интилувчан ёшларидан яна бири Шерзод Тожимуротов ҳоким ёрдамчи-си кўмаги билан 50 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Бу пулга янги мебель цехини ишга туширди. Натижада қўшимча 2 та иш ўрни яратилиб, ёшлар бандлигига муносиб ҳисса қўшилди.

Ҳоким ёрдамчиси томонидан ўтказил-ган хатлов натижасида доимий даромад-га эга бўлмаган 236 фуқаро аниқланди. Уларнинг 102 нафари турли корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди. Тадбиркорлиқни ривожлантириш мақса-дида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 88 фуқарога жами 120 миллион сўмдан зиёд, яна 45 фуқарога эса 450 мил-лион сўм имтиёзли кредит ажратилган. Бундан имкониятдан 5 та ириқ тадбиркор ҳам фойдаланиб, салкам 360 миллион сўм имтиёзли маблағ олган. Натижада маҳал-лада 22 та микролойиҳа ишга туширилиб, 6 та янги яқка тартибдаги тадбиркор ва 2 та масъулият чекланган жамият ташкил этилди, 12 та янги иш ўрни яратилди.

Маҳаллада хотин-қизларни қўллаб-қувват-лаб, ижтимоий фаоллигини ошириш бораси-да ҳам диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Жумладан, ишбилармон аёллардан бири Ма-лика Йўлдошева нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ишга туширди.

— Жорий йил бошида 265 та хонадон учун индивидуал режа ишлаб чиқилиб, эҳтиёжманд хотин-қизларга манзилли ёрдам кўрсатилди. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз 29 аёлнинг 17 нафари иш би-лан таъминланди. Яна 7 нафари тикувчилик курсларида ўқитилди. Рухий қўллаб-қув-ватловга муҳтож 32, жарроҳлик амалиёти-га муҳтож 1 ва ҳуқуқий ёрдам сўраган 57 аёлга кўмак берилди. Битта аёл 10 миллион сўм кредит олиб, тадбиркорлиқни бошлади, — дейди Қизилчоли маҳалласи оқсоқоли Ғофур Эримотов.

Худуддаги 12 та савдо ва хизмат кўрса-тиш шохобчаси маҳалланинг асосий иқти-содий ўсиш драйверидир. Солиқ ҳодими саъй-ҳаракатлари билан салкам 380 миллион сўм мол-мулк ва ер солиғи йингилиб, маҳалла

бюджетига тушган 10 фоизи худуд инфрату-зилмасини яхшилашга йўналтирилди.

Амударё туманидаги Фаровон маҳалла-сидаги ҳоким ёрдамчиси Муқаддас Бекназа-рова бошчилигида аҳолининг даромад ман-баларини кенгайтириш бўйича тизимли ва манзилли ишлар қилинмоқда. Бу борада, ай-ниқса, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қув-ватлашга алоҳида ургу берилаяпти.

— Жорий йилнинг ўтган 6 ойи даво-мида фуқароларнинг мурожаатлари, тадбиркорлик қилиш истаги ва эҳтиёжлари чуқур таҳлил қилинди. Шу асосда аниқ ман-зилли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Биз-нес бошлаш истагида бўлганларга бизнес режа тузиш ва хужжатларни расмийлашти-ришда яқиндан ёрдам кўрсатилди. Натижада 58 фуқарога имтиёзли кредитлар ажратилиб, уларнинг барчаси soliқ.uz электрон платфо-маси орқали расмий рўйхатдан ўтказилиб, бандлиги таъминланди, — дейди Муқад-дас Бекназарова. — Шунингдек, ёшлар ва хотин-қизларга тикувчилик, чорвачилик, иссиқхона хўжалиги, савдо, паррандачилик

ва хизмат кўрсатиш каби сердаромад соҳа-ларни ривожлантириш бўйича кредитлар ажратилиб, кўплаб оилаларнинг молиявий барқарорлиги таъминланаяпти. Бандлиқни таъминлаш йўналишида аҳоли, айниқса, ёшларни касб-хўнарга ўқитишга жиддий эътибор қаратилган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 31 фуқаро, жумладан, 5 ёш касб-хўнарс курсларида ўқитилди. Айни пайтда аҳолига кооперациянинг афзалли-лари ва давлат субсидиялари ҳақида кенг қамровли маълумотлар бериб бориляпти.

Яратилаётган бундай шарт-шароитлар жойларда янги бизнес субъектлари пайдо бўлишига мустаҳкам замин бўляпти. Ма-салан, ушбу маҳаллада яшовчи ёш тадбир-кор Жаҳонгир Раҳимбоев давлат кўмагидан унумли фойдаланиб, ветеринария дорихона-си очди. Аҳоли эҳтиёжини пухта ўрганиб иш бошлаган тадбиркор ҳозир чорводорларга зарур дорилар ва озуқа қўшимчаларини уз-луксиз етказиб бермоқда. Келгусида хизмат турларини янада кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари яратишни мақсад қилган.



ХАТИРЧИЛИКЛАР ИСЛОҲОТЛАРДАН МАМНУН

Хатирчи тумани Навоий вилоятидаги ривожланаётган манзиллардан бирига айланмоқда. Ҳозир ҳудуд қиёфаси тубдан ўзгарган ва таниш манзиллар кўрган кўзни қувонтирадиган даражада чиroy очди. Хатирчиликлар ҳаёти эса кун сайин фаровонлашиб, турмуш даражаси ҳавас қилса аризулиқ бўлди, маҳаллалар эса ободликка юз тутди.



7300 метр сой ўзани тозаланиб, мустаҳкамлан-ди ва 8 та кечув йўли қурилади. Натижада 754 та аҳоли хонадони ва 6 та ижтимоий соҳа объекти сел тошқинларидан ҳимояланади. Бу ишлар учун давлат бюджетидан 12,2 миллиард сўм ажратил-ган. Оқова сув таъминотини яхшилашга эса 10,4 миллиард сўм йўналтирилган. Бу маблағ эва-зига тумандаги 9 та маҳаллада 15,4 километр ички оқова сув тармоғи қурилиши якунлана-ди. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 201 километр электр узатиш тармоғи ҳамда 56 та трансформатор пункти мукаммал ва жо-рий таъмирланди. Маъзур лойиҳалар бўйича қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланган.

Айни вақтда туманда ҳеч қаерда учрамай-диган очик осмон остидаги кутубхона лойиҳа-си амалга оширилмоқда. Янги барпо этилаёт-ган богда рангли фаввора ва амфитеатр бўлади. — Замонавий “Умуммиллий бирдамлик боғи” лойиҳаси “Ташаббусли бюджет” маблағи ҳисобидан қурилмоқда, — дейди Хатирчи тумани маънавият ва маърифат бўлимаси раҳбари Маъруф Маъмуров. — Бу ерда ёшлар китоб ўқиниш учун зарур шароитлар, “вай-фай” зона-лар мавжуд. Богимиздаги кутубхона 82 мингдан зиёд китоб базасига эга бўлади ва электрон кутубхона тизими ҳам йўлга қўйилди.

Бугун хатирчилик ёшлар замонавий касбларни бепул ўрганиш имкониятига эга. Ту-мандаги истироҳат боғида фойдаланишга топ-ширилган АТ марказ замонавий компьютерлар, интерактив доскалар ва жиҳозлар билан таъ-минланган. Малакали мутахассислар ёшларни ахборот технологиялари бўйича ўқитаяпти.

— Марказимизда 300 ўқувчи инглиз тили, дастурлаш, АТ йўналишларида таълим олмақда, — дейди АТ марказ раҳбари Умид Абдуллу-лаев. — Бошқа жойларда 700-800 минг бўлган ўқув курси бизда мутлақо бепул. Бу хатирчи-лик ёшлар келажак касбларини ўрганиши учун катта имконият. Марказда ёшлар компьютер саводхонлигини мукаммал ўрганиш билан бирга китоб мутолааси ва спорт билан шугу-лланиши учун барча шароитлар яратилган.

Худудда ўзгаришлар кўяни жуда кенг. Ин-сон кадрини улуғлашга қаратилган бу ишлар самараси эса ҳаётдан мамнун хатирчиликлар юзу кўзида намоён бўлаётир.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда аҳолини тадбиркорликка йўналтириб, доимий даромад манбасини яратишга жиддий эътибор берилаяпти. Сурхондарё вилоятида ҳам бу борада тизимли ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, 2026 йилнинг январь-май ойларида вилоят аҳолиси 3 миллион 18 минг нафари ташкил этган.

Улардан 53 минг нафар киши ишсиз деяр эътироф этилган. Яъни ишсизлик даража-си 4,8 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсат-кич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 фоизга камаяган. Ҳозир эса бу борада аниқ ва самарали режа ишлаб чиқилган. Мақсад эса йил якунигача Сурхондарёда ишсизлик да-ражасини 4 фоизга тушириш. Бу натижа эри-шиш учун янги иш ўринлари яратиш билан бирга аҳолини касб-хўнарга ўқитиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари-га ҳам жиддий эътибор берилаяпти.

Маъзур эътиборни ажратиётган сармояда ҳам қўриш мумкин. Масалан, Камбағаллиқни қисқартириш давлат мақсади жағмарасидан аҳолининг тадбиркорлик борасидаги ташаб-бусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 18 миллиард 580 миллион сўм миқдорда сусда ва субсидия ажратилган. Натижада вилоят бўйича 4 минг 70 та лойиҳа ва ташаббус қўллаб-қув-ватланиб фаолиятга йўналтирилган. Шу-нингдек, Ангор туманида фаолият бошлаган камбағалликдан чиқариш маркази ҳам маъзур йўналишдаги ишларда ўзига хос амалий мо-деллардан бирига айланмоқда.

Гап шундаки, Ангор туманининг Янги-обод маҳалласидаги сизот сув 1,2 километрик ариқ бор. Сурхондарё вилояти Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик бошқармаси тижорат банклари ҳамкорликда коллектор усти ёпилиб, шу ерда камбағалликдан чиқариш маркази фаолияти йўлга қўйилди.

— Коллектор устида аҳолига хизмат кўр-сатиш шохобчалари бунёд этилиб, фойдала-нишга топширилди. Худуд обод, аҳоли ишли бўлди. Бундан ангорликлар мамнун, — дейди Ангор тумани камбағаллиқни қисқартириш ва бандликка қўмаклашиш бўлими бошлиғи Исроил Тешаев. — Камбағалликдан чиқариш маркази ижтимоий реестр рўйхатидаги фуқа-роларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Марказга мурожаат қилганлар ўзининг қи-зиқиши ва салоҳиятидан келиб чиқиб муайян



ФАРОВОНЛИК

билим, касб ва меҳнат
эвазига яратилади

йўналтирилади. Уларга касб-хўнарс ўргатилади, тадбиркорлик сир-асорлари тушунтирилади. Бизнес-режа тузишда амалий ёрдам кўрсатила-ди. Фаолият бошлашга тайёр фуқарога имтиё-зли кредит олиш бўйича тавсия берилади.

Камбағалликдан чиқариш марказининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, барча жараён ўза-ро узвий боғланган. Яъни фуқаро аввал бу ерда касбни ўрганади. Сўнг амалиёт ўтади. Тад-биркорлик асосларини ўзлаштиради. Шундан кейин иш бошлайди. Маъзур тартиб, ажрати-лаётган маблағлар самарадорлигини оширади. Мухими, тадбиркор бозор талабларини билиб, шунга мослашиб иш бошлайди.

Марказ томонидан олиб борилган ишлар натижасида 432 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланган. Худудда темирчиликка ихтисослашган 36 та тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилган. Уларда темирчилик, пайвандлаш, автомобилларга техник хизматлар кўрсатилади.

Ёпиқ коллекторнинг иккинчи томонида эса 22 та тадбиркорлик субъекти томонидан маи-ший хизмат кўрсатиш объектлари қурилмоқда. Улар фойдаланишга топширилиши билан яна 320 та янги иш ўрни очилади. Натижада марказ худудда фаолият жорийлашган 66 та тадбиркор-лик субъекти томонидан 1002 та янги иш ўрни ташкил этилади.

Худуднинг табиий шароити ўрдақ, гоз боқишга қулай. Ушбу йўналишларда ташкил

этилган машғулотларда озуқа базасини шакллантириш, маҳсулдорлиқни ошириб, маҳ-сулот сотиш бўйича бағадосл маълумот бери-лмоқда. Шу тарика оилавий кичик бизнесини шакллантириш мумкин бўлади.

Марказда худуд аҳолисининг қизиқишидан келиб чиқиб, паррандачилик йўналишида иш бошлашга зарур имконият яратилган. Жумла-дан, товуқчилик, куркачилик ва қўвчилик бў-йича назарий ва амалий машғулотлар ташкил этилган. Уларда ҳам маҳсулот етиштиришдан бозорнинг талаб ва тақлифни ўргатишгача бўлган жиҳатлар қамраб олинган.

— Паррандачилик катта майдон ёки ири-рик бошлангич сармоини талаб қилмайди. Шу боис, туман шароитда оилавий тадбиркорлиқни йўлга қўйиш аини муддао ҳисобланади, — дей-ди тадбиркор Ғофур Ниёзов. — Айниқса, қуён тез қўяди. Товуқ ўғити ва туҳуми эса доим бозоригир. Шунингдек, куркачиликда ҳам маҳ-сулотта эҳтиёж катта. Буларнинг барчаси ушбу йўналишларни ривожлантиришга ундамоқда. Масалан, сўнгги йилларда Ангорда бедана маҳсулотларига бўлган талаб ортиб борапти. Табиийки, тадбиркорларимиз бедана қўлайти-ришга қизиқа бошладилар. Узим ҳам марказга бо-риб, беданачиликнинг сир-асорини ўргандим.

Камбағалликдан чиқариш марказида қора-мол, қўй ва эчки боқиш йўналишларида ҳам ҳам катта эътибор қаратилган. Албатта, чорвачилик воҳа аҳли учун бетона юмуш эмас. Лекин давр ўзгарди. Ҳозир ҳар бир ишни илм билан замона-вий талаблар асосида бажариш керак. Шу боис, марказда ангорликларга наслдор чорвани танабл, боқиш сирлари ўргатишмоқда. Жара-ёнда чорвачиликка оддий машғулот деб эмас, пухта иқтисодий режа асосидаги тадбиркорлик фаолияти сифатида ёндашишни ўрганоқда.

Сурхондарё вилоятидаги бундай лойиҳалар камбағаллиқни қозғоғда эмас, ҳаётда қисқарти-ришга хизмат қилмоқда. Бу модেলнинг асосида эса бир ҳақиқат мутасам: барқарор фаровон-лик ижтимоий ёрдам ҳисобига эмас, билим, касб ва меҳнат эвазига вуजूда келади.

Сарвар ТҶРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

